

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**19-сон**  
**(55)**  
**2002 й.**  
**октябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

143. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 397–II-сон Қонуни
144. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги 405–II-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

145. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 2 октябрдаги ПФ–3143-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

146. «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори
147. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 октябрдаги 346-сон қарори [Кўчирма]

148. «Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон қарори
149. «Халқаро компьютер тармоқларидан фойдаланишни марказлаштиришдан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрдаги 352-сон қарори
150. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрдаги 354-сон қарори
151. «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарори

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# 143 «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 29 август,  
397-II-сон

### Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида (янги таҳрири)

#### И. Умумий қоидалар

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (бундан буён матнда саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси**

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент

идораси деб юритилади) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳақидаги талабнома деб юритилади) кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат экспертизасини ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки объектларига патентлар беради, расмий ахборотнома нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилишига доир қоидалар қабул қилади ва тушунтиришлар беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бюджети маблағлари, патент божлари, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва тақдим этиладиган материаллар учун тўланадиган ҳақ Патент идораси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

#### **4-модда. Патент идорасининг Апелляция кенгаши**

Патент идорасининг Апелляция кенгаши (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) қарорлар чиқаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши:

Патент идорасининг талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари хусусидаги қарори устидан;

саноат мулки объектларига патент берилганлигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан;

саноат мулки объектлари патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши ўз ваколатлари доирасида апелляцияларнинг бошқа турларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **5-модда. Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтиролик даражасини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасига юкланади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисоблаганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тегишинча беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

#### **6-модда. Ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Агар ихтиродан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади:

қурилмалар;

усуллар;

моддалар;  
микроорганизмларнинг штаммлари;  
ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари;  
илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши.  
Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:  
илмий назариялар ва математика усуллари;  
ташқил этиш ва бошқариш усуллари;  
шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;  
ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;  
электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;  
бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;  
эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;  
интеграл микросхемаларнинг топологиялари;  
ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;  
жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

#### **7-модда. Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараққиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Ушбу Қонун 6-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди.

#### **8-модда. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиқ шартлари**

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақариб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

матбаа маҳсулотлари;

архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;

суяқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;

буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

## II. Саноат мулки объектнинг ҳуқуқ субъектлари

### 9-модда. Саноат мулки объектнинг муаллифи

Ижодий меҳнати билан саноат мулки объектни яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

### 10-модда. Патент эгаси

Саноат мулки объектнинг патенти қуйидагиларга берилади:

саноат мулки объектнинг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектнинг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектнинг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада

белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳам-муаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

**11-модда. Патент эгасининг саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқи**

Агар саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу заълда фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир нечта патент эгасига қаршли бўлган саноат мулки объектдан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдиқланган саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектилари патентланганлигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектдан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектдан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

**12-модда. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар**

Қуйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектиларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектиларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектиларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектиларидан таркиб



топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир мартабалик тайёрлаш.

### **13-модда. Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши**

Патент билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Қонуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга хилоф равишда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган саноат мулки объектдан фойдаланган ҳолда буюмларни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган буюмларни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари;

патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт.

## **III. Патент бериш ҳақидаги талабнома**

### **14-модда. Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш**

Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини ёки патент божи тўлашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилишининг асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

### **15-модда. Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома**

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда ихтиро ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Ихтиро ҳақидаги талабнома:

ихтиронинг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

ихтиро рефератини ўз ичига олиши лозим.

#### **16-модда. Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома**

Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда фойдали модель ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини (фойдали модель бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бири бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак.

Фойдали модель ҳақидаги талабнома:

фойдали моделнинг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

фойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материалларни;

фойдали модель рефератини ўз ичига олиши лозим.

#### **17-модда. Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома**

Саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда саноат намунаси ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талабини) қамраб олиши мумкин.

Саноат намунаси ҳақидаги талабнома:

саноат намунасининг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расмни;

агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

#### **18-модда. Саноат мулки объекти устуворлиги**

Саноат мулки объекти устуворлиги патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Саноат мулки объекти устуворлиги:

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатда (конвенция устуворлиги) топширилган биринчи талабнома қайд этилган сана бўйича, агар мазкур санадан эътиборан ихтиро ҳақидаги талабнома ва фойдали модель ҳақидаги талабнома ўн икки ой ичида, саноат намунаси ҳақидаги талабнома эса олти ой ичида Патент идорасига келиб тушган бўлса, белгиланиши мумкин. Агар конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги

ҳуқуқидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабномани топшириш чоғида кўрсатиб ўтиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой ичида Патент идорасига тақдим этиши шарт;

қўшимча материаллар топширилган сана бўйича, агар талабномага илова қилинган қўшимча материаллар талабномада кўрсатилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юборади деб топилиши муносабати билан уларни қабул қилиш мумкин эмаслигини Патент идораси талабнома берувчига билдирган санадан эътиборан уч ой муддат тугагунга қадар бу қўшимча материаллар талабнома берувчи томонидан мустақил талабнома сифатида расмийлаштирилган бўлса, белгиланиши мумкин;

шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин тақдим этган, ушбу саноат мулки объектининг моҳиятини очиб берувчи талабномаси топширилган сана бўйича, агар бундай устуворлик сўралаётган талабнома бирмунча олдин берилган ихтиро ҳақидаги талабнома ва фойдали модель ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан ўн икки ой ичида ва бирмунча олдин берилган саноат намунаси ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланиши мумкин. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Агар давлат экспертизаси жараёнида патент бериш ҳақидаги ўхшаш талабномалар айна битта устуворлик санасига эга эканлиги аниқланса, у ҳолда патент Патент идорасига олдинроқ сана билан жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, ба-шарти жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, қайси бирида Патент идорасининг рўйхатга олиш қирим рақами олдин қайд этилган бўлса, шу талабнома бўйича берилади.

Саноат мулки объекти устуворлиги бирмунча олдин устуворлик сўралган, чақириб олинган патент бериш ҳақидаги талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

Патент бериш ҳақидаги ажратилган алоҳида талабнома бўйича саноат мулки объекти устуворлиги Патент идорасига топширилган дастлабки талабнома санасига кўра белгиланади.

#### **19-модда. Талабномаларни ўзгартириш**

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ихтиро ҳақидаги талабномани фойдали модель ҳақидаги талабнома, фойдали модель ҳақидаги талабномани эса ихтиро ҳақидаги талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир. Бундай ўзгартиришлар чоғида биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли патент божи тўлангандан сўнг амалга оширилади.

### **IV. Патент бериш ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказиш**

#### **20-модда. Патент бериш ҳақидаги талабноманинг давлат экспертизаси**

Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан (бундан буён матнда моҳият бўйича экспертиза деб юритилади) иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказилади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектининг моҳи-

ятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар тақдим этилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда тегишинча талабнома ҳужжатларига аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини кўриб чиқиш зарурлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб кўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан қайта тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб кўпи билан ўн икки ой ичида топширилиши мумкин.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исталган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинган патент бериш ҳақидаги талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди.

### **21-модда. Расмий экспертиза**

Расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайдан бошлаб қўшимча патент божи тўламасдан талабнома материалларига ўз тащаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертиза мобайнида тақдим этилган таклифнинг ҳуқуқий муҳофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига қай даражада мувофиқлиги кўриб чиқилади. Расмий экспертиза натижалари бўйича Патент идорасининг қарори талабнома берувчига маълум қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

### **22-модда. Фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси**

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизадан ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Экспертиза ўтказилаётганда талабномада кўрсатилган объектнинг ушбу Қонун 7-моддасида белгиланган патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқлиги текширилади.

Агар экспертиза натижасида талабнома фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинадиган объектларга тааллуқли бўлмаган таклиф тўғрисида эканлиги аниқланса, патент беришни рад этиш ҳақида қарор чиқарилиб, талабнома берувчи бундан хабардор қилинади.

Агар талабнома экспертизаси натижасида фойдали модель ҳақидаги талабнома материаллари кўйилган талабларга мос эканлиги аниқланса, Патент идораси фойдали моделга патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Фойдали модель сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

### **23-модда. Моҳият бўйича экспертиза**

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда моҳият бўйича экспертиза ўтказиши. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш ҳақидаги талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Агар моҳият бўйича экспертиза ўтказиш натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объект, муҳим белгилар мажмуи сифатида ифодаланган саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект эса белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг

патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **V. Саноат мулки объектига патент олиш ва бу патентнинг амал қилишини тугатиш**

##### **24-модда. Саноат мулки объектини давлат рўйхатига олиш**

Патент идораси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг саноат мулки объектини тегишинча Давлат ихтиролар реестрида, Давлат фойдали моделлар реестрида ёки Давлат саноат намуналари реестрида давлат рўйхатига олади.

##### **25-модда. Саноат мулки объекти рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш**

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

##### **26-модда. Саноат мулки объектига патент бериш**

Саноат мулки объектига патент бериш объект рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан уч ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Саноат мулки объекти патенти Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Саноат мулки объекти патенти бир нечта киши номига сўралганда уларга битта патент берилади.

Саноат мулки объекти патентининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган саноат мулки объекти патентидаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

##### **27-модда. Саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш**

Саноат мулки объекти патенти Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳуқуқий муҳофазанинг тўлиқ ҳажмида ёки унинг фақат бир қисми бўйича қуйидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин:

муҳофаза қилинадиган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги;

ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги.

Саноат мулки объектига патент бериш Апелляция кенгашига апелляция топширилиши муносабати билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Агар низо судда кўриб чиқиладиган бўлса, низо ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир ишни юритиш Патент идораси томонидан тўхтатиб турилади.

**28-модда. Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тугатиш**

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши унинг ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган амал қилиш муддати ўтганидан кейин тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши:

патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганда;

патент эгаси Патент идорасига топширган аризага асосан муддатидан илгари тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши муддатидан илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

**29-модда. Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш**

Патент эгаси ёзма ариза бериб, саноат мулки объекти патентидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг саноат мулки объекти патентидан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси саноат мулки объекти патентидан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни хабардор қилиши шарт. Муаллиф бундай ҳолда патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Агар саноат мулки объекти патенти лицензия шартномасининг объекти бўлса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

## VI. Саноат мулки объектларидан фойдаланиш

**30-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида фойдаланиш**

Маҳсулотда (буюмда) ихтиронинг, фойдали моделнинг формула мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил бўлган белги қўлланилган бўлса, бу маҳсулот (буюм) патентланган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб эътироф этилади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга ҳам татбиқ этилади. Бунда аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патентланган усулда олинган деб ҳисобланади.

Агар маҳсулотда патент берилган саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи бўлса, у патентланган саноат намунасида фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

**31-модда. Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи**

Саноат мулки объекти устуворлиги белгиланган санага қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ишлаб чиқа-

риш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, кейинчалик ҳам ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга фақат айнан ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрилган ишлаб чиқариш билан биргаликда топширилиши мумкин.

### **32-модда. Саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш**

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс патент билан муҳофаза қилинган саноат мулки объектдан фақат патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақли.

Патент эгаси саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида (очиқ лицензия) Патент идорасига ариза топширилиши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун ундириладиган патент божи шундай ариза тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси томонидан эълон қилинганidan кейинги йилдан бошлаб эллик фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан номутлақ лицензия бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартлари бўйича низолар суд томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга нисбатан ҳуқуқ бериш ҳақидаги аризаси қақриб олинмайди.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг розилигисиз мутаносиб миқдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин.

Агар патент эгаси саноат мулки объектдан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### **33-модда. Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши**

Муаллифларга ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар бериледи.

## **VII. Яқунловчи қоидалар**

### **34-модда. Патент божлари**

Саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат бериледи.



Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

### **35-модда. Патент вакиллари**

Патент вакили юридик ва жисмоний шахсларнинг Патент идораси олдидаги вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакиллари орқали амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, бироқ вақтинча унинг ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси доирасида ёзишмалар олиб бориш учун манзилни кўрсатган ҳолда, патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

### **36-модда. Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаш**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари саноат мулки объектларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

### **37-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

### **38-модда. Низоларни ҳал этиш**

Саноат мулки объектларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **39-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**144** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда):

1) **22-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«22-модда. Чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари**

Чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

Чикинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф муҳитга хавфсизлиги учун чикиндиларнинг мулкдорлари жавоб берадилар. Чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади»;

2) **45 ва 46-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«45-модда. Табиатни чикиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш**

Чикиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари доирасида, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда объектларга таҳдид келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиб ташлаш тақиқланади.

Алоҳида ҳолларда, махсус тадқиқотлар натижаларига кўра фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда чикиндиларни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилди.

Чикиндиларни қайта ишлаш, уларни полигонларда кўмиб ташлаш ва сақлаш табиатни муҳофаза қилиш давлат органларининг рухсати билан амалга оширилади.

**46-модда. Экологик сертификатлаш**

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди».

**II. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Элект-**

**рон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда) **9-моддасининг саккизинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ҳамда ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади. Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда) **саккизинчи бўлимидаги** «Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги анча миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган миқдор», «Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги кўп миқдор — энг кам иш ҳақининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдор», «Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги катта бўлмаган миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир бараваридан бир бараваригача бўлган миқдор» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11 ва 23-моддалар, № 9-10, 165 ва 182-моддалар) **345-моддасининг:**

**бешинчи қисмидаги** «176 — 181, 184, 185, 185<sup>1</sup>, 188 — 192» рақамлари чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми** «167» рақамидан кейин «176 — 181, 184, 185, 185<sup>1</sup>, 188 — 192» рақамлари билан тўлдирилсин.

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда):

1) **175<sup>4</sup>-моддасининг диспозициясидаги** «(алкоголли маҳсулотлар ва тамаки

махсулотлари, шунингдек рўйхати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа товарлар тарзида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **224-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга киришга ҳамда уларда яшашга оид қоидаларни бузган фуқароларнинг бундай жойларда яшашига йўл қўйиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **245-моддасининг биринчи қисмидаги** «186, 186<sup>1</sup>-моддалари» деган сўзлар «186-моддаларида, 186<sup>1</sup>-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарларни реализация қилиш ҳолларидан ташқари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **248-моддасининг иккинчи қисмидаги 4-банд** «223-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «224-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **264-моддасининг биринчи қисми** «179<sup>1</sup>-моддаларида» деган сўзлардан кейин «186<sup>1</sup>-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарлар реализация қилинган ҳолларда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **287-моддасининг:**

**1-бандидаги** «164-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «164-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «176-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радио-электрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 198-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан»;

7) **288-моддасининг учинчи қисмидаги** «164-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «164-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **289-моддасининг учинчи қисми** «солиқ органларининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **290-моддасининг учинчи қисми** «Божхона қоидалари» деган сўзлардан кейин «ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **291-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «д» **банди** билан тўлдирилсин:

«д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 186<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан».

**VI.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил,

№ 1, 20-модда, № 5, 112 ва 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда) **153-моддасининг иккинчи қисмидаги охириги жумла** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мехнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно».

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ҳамда 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова; № 11-12; 1997 йил № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) **762-моддаси:**

**учинчи қисмидаги** «омонатчи талаб қилиши биланоқ» деган сўзлар «омонатчининг талаби билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт»;

**бешинчи ва олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди».

**VIII.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда):

1) **12-банди** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хавфли юкларнинг транзити учун ўз ваколатлари доирасида хулоса беради»;

2) **13-бандининг «б» кичик банди** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хавфли юкларни транзит тарзда ташиш шартларини ўз ваколатига мувофиқ равишда бажариши».

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда)

**66-моддасининг иккинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жисмоний шахслар учун божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Х.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда):

1) **17-моддаси биринчи қисмининг 2-банди** «прокурор» деган сўздан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **18-моддасининг номи ва биринчи қисми** «эксперт» деган сўздан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **20-моддасининг биринчи қисми** «эксперт» деган сўздан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **21-моддасининг бешинчи қисми** «эксперт» деган сўздан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **Ўзбекча матни 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** «ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар» деган сўзлар «қарор қабул қилингунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **Ўзбекча матни 87-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «қарори» деган сўз «ажрими» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **88-моддаси** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса»;

8) **126-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди** «эксперт» деган сўздан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **134-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди** «суд таркиби» деган сўзлардан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **138-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади»;

11) **149-моддасининг бешинчи қисмидаги** «шикоят қилиниши» деган сўзлар «шикоят қилиниши (протест келтирилиши)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **150-моддасининг:**

**биринчи қисми** «хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг» деган сўзлардан кейин «ёки суд ижрочисининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисмидаги** «шикоят қилиш» деган сўзлар «шикоят қилиш (протест келтириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **151-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди** «суд таркиби» деган сўзлардан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **156-моддасининг номи ва матнидаги** «шикояти бериш», «шикояти беришга» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикояти бериш (протести келтириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **157** ва **158-моддаларининг номи ва матнидаги** «шикоятини», «шикояти» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикояти (протести)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **159-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«159-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни**

Апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;
- 2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;
- 3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;
- 4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;
- 5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади»;

17) **160-моддасининг номи** ва **матнидаги**, **161-моддасининг номи** ва **биринчи қисмидаги** «шикоятининг», «шикояти», «шикоятнинг» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикояти (протести)», «шикоят (протест)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **162-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«162-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш**

Судья апелляция шикоятини (протестини) қуйидаги ҳолларда қайтаради:

- 1) апелляция шикояти (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- 2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;
- 3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;
- 4) апелляция шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан касасация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикояти (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли»;

19) **163-моддасининг номи** ва **матнидаги** «шикоятини» деган сўз «шикоятини (протестини)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **165-моддаси:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш»;**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «қабул қилганда» деган сўзлар «қабул қилса ёки протест чақириб олинса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **166-моддасининг иккинчи қисмидаги, 167-моддасининг номи** ва **матнидаги** ҳамда **168-моддасининг 1-бандидаги** «шикоятида», «шикоятини», «шикояти», «шикоятни» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикояти (протести)», «шикоят (протест)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **171-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** «шикоятини» деган сўз «шикоятини (протестини)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг:**

**1-банди** «суд таркиби» деган сўзлардан кейин «суд мажлиси котиби» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2, 5** ва **9-бандларидаги** «шикояти», «шикоятини» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикояти (протести)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «шикоят қилиш» деган сўзлар «шикоят қилиш (протест келтириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **172-моддасининг:**

**номидаги** «шикоятлари» деган сўз «шикоятлари (протестлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «шикоят қилиниши» деган сўзлар «шикоят қилиниши (протест келтирилиши)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «шикоятлари», «шикоятларини» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «шикоятлари (протестлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **197-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида қўрилганидан кейин берилиши мумкин»;

25) **215-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 216-моддасининг учинчи қисмидаги, 217-моддасининг бешинчи қисмидаги** «шикоят қилиш» деган сўзлар «шикоят қилиш (протест келтириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **218-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «Ижро варақаси», «Ижро варақасида» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Суд ҳужжати (ижро варақаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 10-модда):**

1) қуйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«4<sup>1</sup>-модда. Монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги**

Оммавий ахборот воситаларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда тарқатилиши соҳасида монополлаштиришга ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.



Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма беш фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилиланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас»;

2) **6-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда талабларини бузганликда айбдор шахслар, шу жумладан муҳаррир (бош муҳаррир), журналист, бошқа шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар»;

3) **11-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қуйидагилар муассис бўлиши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;

фаолияти қонун билан тақиқланган жамоат бирлашмалари.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг оммавий ахборот воситаларини ташкил этишига йўл қўйилмайди»;

4) қуйидаги мазмундаги **11<sup>1</sup>**, **11<sup>2</sup>**, **11<sup>3</sup>** ва **11<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

#### « **11<sup>1</sup>-модда. Таъсис ҳужжатлари**

Таъсис шартномаси ва устав (низом) оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

Бир нечта муассис ўртасида тузиладиган таъсис шартномасида қуйидаги маълумотлар бўлади:

муассисларнинг номи ҳақидаги;

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, фаолияти предмети ва мақсади, чиқиш даврийлиги ҳақидаги;

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг номи, почта манзили ҳақидаги; оммавий ахборот воситасининг устав фонди миқдори, молиялаштириш манбалари ва уни ҳосил қилиш тартиби ҳақидаги;

муассисларнинг оммавий ахборот воситаси фаолиятида иштирок этишига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги;

оммавий ахборот воситаси фаолиятини бошқариш тартиби ҳақидаги;

фойдани тақсимлаш тартиби ҳақидаги;

оммавий ахборот воситасини қайта ташкил этиш, тугатиш (оммавий ахборот воситасининг фаолиятини тугатиш) тартиби ҳақидаги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар тўғрисидаги.

Агар бир шахс муассис ҳисобланса, у рўйхатга олувчи органга уставини тақдим этади.

#### **11<sup>2</sup> -модда. Муассис билан таҳририят ўртасидаги шартнома**

Муассис билан таҳририят ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, жавобгарлик, низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа шартлар тўғрисида, шунингдек учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида шартнома тузадилар.

#### **11<sup>3</sup>-модда. Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таъсис шартномаси, устав (низом) ва қонун ҳужжатларида, шунингдек у билан

тахририят ўртасида тузилган шартномада белгиланган ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситасининг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

қўшган мулкый улушига мувофиқ равишда фойда ва зарарлар тақсимоотида иштирок этиш;

оммавий ахборот воситасини муассис ёки унинг томонидан кўрсатилган учинчи шахс манфаатларини кўзлаб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарувни амалга ошириши лозим бўлган бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) мулкый мажмуи сифатида ишончли бошқарувга топшириш;

оммавий ахборот воситаси муҳарририни (бош муҳарририни), шунингдек тахрир хайъати аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш;

энг катта ҳажми ва эълон қилиш муддати тахририят уставида (низомида) ёки таъсис шартномасида белгиланадиган хабарни ёки реклама тусида бўлмаган материални ўз номидан бепул жойлаштириш;

оммавий ахборот воситаси тугатилган ёки оммавий ахборот воситасининг фаолияти тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қўшган мулкый улушига мувофиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

Муассис қўйидагиларни бажариши шарт:

оммавий ахборот воситасининг уставини (низоми) тасдиқлаш;

оммавий ахборот воситаси тахририяти билан шартнома тузиш;

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш.

Муассис цензурани амалга оширишга, рецензиядан ўтказишга ёки тахририятнинг ижодий фаолиятига аралашишга, шунингдек оммавий ахборот воситасининг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши масалаларига аралашишга ҳақли эмас, таъсис шартномасида ёки уставда (низомда) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ муассис бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **11<sup>4</sup>- модда. Муассис ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тугатилиши**

Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда тугатилади: оммавий ахборот воситаси учинчи шахс фойдасини кўзлаб бошқа шахсга ўтказилганда;

муассис — юридик шахс банкротга учраганда ёки тугатилганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

қасддан содир этган жинояти учун суд ҳукми билан судланганда;

вафот этганда.

Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам тугатилиши мумкин»;

#### **5) 12-моддасининг:**

**иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Аризага таъсис ҳужжатлари илова қилинади»;

**тўртинчи қисмидаги** «уч» деган сўз «олти» деган сўз билан алмаштирилсин;

**6) 16-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки суднинг қарори билан тугатилиши (ёки тўхтатилиши) мумкин.

Оммавий ахборот воситаси оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мунтазам риоя этмай келган тақдирда ваколатли орган оммавий ахборот воситасини тугатиш (унинг фаолиятини тугатиш) ҳақида судга мурожаат этишга ҳақли»;

**иккинчи қисми** тегишинча **учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**7) 17-моддасининг:**

номидаги «ёки унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**матнидаги** «шунингдек оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) **109-моддаси** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм билан** тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши мумкин».

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Давлат кадастрлари тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 19-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг ўн саккизинчи хатбошисидаги** «ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини» деган сўзлар «чиқиндиларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XIV.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда) **17-моддаси:**

**биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги харажатларини қоплаш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда) **33-моддаси:**

**биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир харажатларини қоплаш учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 30 август,  
405-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **145** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш ва солиқлар тўлашдан бўйин товлашга йўл қўймаслик мақсадида:

1. «Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркибини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ–1827-сон Фармонига 2-илованинг 3.2-банди тўққизинчи хатбоши ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги ПФ–2564-сон Фармони 6-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 2 октябрь,  
ПФ–3143-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **146** Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази («Ўздавстандарт») Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига айлантирилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча жисмоний шахслар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар амалга оширилиши ва уларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишлари асосида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

халқаро стандартлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш; мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг янги рўйхатини, уларни ҳар йили янгидан пайдо бўлган маҳсулотлар, хизматлар турларини, шунингдек жорий этилаётган янги технологиялар ва материалларни ҳисобга олган ҳолда, тузиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштиришнинг янги тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя этилишини назорат қилиш;

замонавий давлат стандартлари ва эталонларини ишлаб чиқиш ва уларни халқаро тизимлар билан уйғунлаштириш;

турдош маҳсулотлар стандартларини ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашиш, улар фаолиятига илмий-методик раҳбарликни ва назоратни таъминлаш;

маҳсулотлар ва хизматлар синовини ўтказиш ва сертификатлаштиришнинг замонавий тизимини ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўздавстандарт» марказининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси 1\* ва 2-иловаларга мувофиқ;

худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган сони 54 киши (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) ва унинг худудий бўлинмалари ходимларининг чекланган сони 170 киши этиб белгилансин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг бош директорига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига бош директорнинг икки нафар ўринбосари ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган 7 кишидан иборат ҳай'ат бўлишига рухсат этилсин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг бош директори мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосарлари эса тегишли равишда вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинладилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

8. Қуйидагилар:

қайта ташкил этилаётган «Ўздавстандарт» маркази марказий аппарати ва худудий бўлинмаларида аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари негизида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 5-иловага мувофиқ хўжалик ҳисобидаги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази;

қайта ташкил этилаётган «Ўздавстандарт» маркази марказий аппаратининг хўжалик ҳисобидаги ўлчов ва калибрлаш бўлимлари негизида хўжалик ҳисобидаги Республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази ташкил этилсин.

9. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги икки ҳафта муддатда Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда Республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Белгилаб қўйилсинки, синов ва сертификатлар бериш масалалари Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва унинг худудий органларига, шунингдек тегишли синов лабораторияларига эга бўлган ва белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлигида аккредитация қилинган турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш бошқа органларига юкланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Эталон» заводлари, фирма дўкони бўлган босмаҳонанинг қийматини баҳоласин ҳамда уларни хусусийлаштириш жадвалини тасдиқласин, уларнинг устав фонд-

---

\* 1-илова берилмайди

ларида давлат улуши 25 фоиз бўлишини назарда тутсин, ушбу улушларни «Ўзстандарт» агентлигига ишончли бошқарувга берсин.

12. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича 6-иловага\* мувофиқ таркибда Идоралараро кенгаш ташкил этилсин.

Куйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида устувор йўналишларни белгилаш ҳамда қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишини ташкил этиш;

стандартлаштириш, сертификатлаштиришни ривожлантириш, такомиллаштириш ва унинг ягона тизимини яратиш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари техник қўмиталарининг стандартлаштириш ва сертификатлаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш.

13. «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Куйидагилар махсус жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

стандартлар, метрология ва сертификатлаштиришнинг мажбурий талабларини бузганлик учун жарималар;

давлат инспекторларининг маҳсулот сотилиши (етказиб берилиши, сотилиши)ни тақиқлаш тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларининг хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар томонидан бузилганлиги учун жарималар;

сертификатлаштириш органларини ва синов лабораторияларини аккредитация қилганлик учун тўлов;

Республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва унинг таркибига кирувчи аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лабораторияларининг даромадларидан 20 фоиз маблағлар.

Белгилаб қўйилсинки, махсус жамғарма маблағлари илмий-техника ишланмаларини, қонун ҳужжатларини ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни, Стандартлар ва эталонлар давлат реестрлари юритишни, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаси моддий-техника базасини ривожлантиришни маблағ билан таъминлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан биргаликда Махсус жамғармани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

14. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг янги рўйхатини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда 2003–2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий эталон базасини янада ривожлантириш учун зарур эталонлар ва юқори аниқликка эга бўлган ўлчов воситаларининг барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган рўйхатини тузсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларини тартибга солувчи умумий равишда фойдаланиладиган зарур норматив ҳужжатлар рўйхатини белгиласин ҳамда жорий йил охиригача уларнинг ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

---

\* 6-илова берилмайди

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини жорий йил охиригача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 3 октябрь,  
342-сон




**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги  
(«Ўзстандарт» агентлиги) марказий аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Жами штатдаги ходимлар сони – 54  
киши (хизмат кўрсатувчи ходимлардан  
ташқари)

**Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ)  
аппаратининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг жами сони — 170 киши, шу жумладан:

Тошкент шаҳрида — 24; Тошкент ва Фарғона вилоятларида — 19; Самарқанд вилоятида — 17; Қашқадарё вилоятида — 15; Бухоро ва Наманган вилоятларида — 10; Қорақалпоғистон Республикасида ва Андижон вилоятида — 9; Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида — 8; Жиззах ва Навоий вилоятларида — 7.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва  
сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)  
тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзстандарт» агентлиги деб аталади)нинг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ асосий вазифалари, функциялари ва ваколатларини белгилайди.

2. «Ўзстандарт» агентлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарликни ва уни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади, ушбу соҳалардаги ишларни амалга оширишнинг умумий қоидаларини белгилайди.

3. «Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномаларга ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

5. «Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятини жойлардаги давлат бошқаруви ва ҳокимияти бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда юридик шахслар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифаларни бевосита, шунингдек «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган улар тўғрисидаги низомлар асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган ўзига бўйсунувчи ҳудудий органлар орқали ҳал этади.

«Ўзстандарт» агентлиги, унинг ҳудудий органлари, унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ва корхоналар стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини бошқариш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ягона тизимини ташкил қилади.

**II. «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Стандартлаштириш

тўғрисида», Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларнинг бажарилиши ҳамда уларга амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишлари асосида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш бўйича ишларни амалга оширишнинг, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлиги шакллари ва методлари умумий қоидаларини белгилаш;

халқаро стандартлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш, стандартларни ва техник шартларни, эталонларни ва физик ҳажмлар бирликларини белгилаш ва улардан фойдаланиш;

мажбурий тартибда сертификатладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг янги рўйхатини, уларни ҳар йили янгидан пайдо бўлган маҳсулотлар ва хизматлар турларини, шунингдек жорий этилаётган янги технологиялар ва материалларни ҳисобга олган ҳолда, тузиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштиришнинг янги тартибини ишлаб чиқиш ҳамда унга риоя этилишини назорат қилиш;

замонавий давлат стандартлари ва эталонларини ишлаб чиқиш ва уларни халқаро тизимлар билан уйғунлаштириш;

Сертификатланган маҳсулотлар, сифатни бошқариш тизимлари, сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар, синов лабораториялари (марказлари), сифат бўйича эксперт-аудиторлар давлат реестрини юритиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ва уларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

турдош маҳсулотлар стандартларини ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашиш, улар фаолиятига илмий-методик раҳбарликни ва назоратни таъминлаш;

стандартлаштириш тизимларининг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини таъминлаш, ўлчовлар бирлигини сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотлари ягоналигини, шунингдек уларни чет мамлакатларнинг халқаро (минтақавий) ва миллий тизимлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сифатига ва хавфсизлигига бўлган талабларга риоя этишни ҳамда ўлчашларнинг нотўғри натижалари салбий оқибатларини назорат қилиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

штрихли кодлаштириш тизимини жорий этиш бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларнинг Давлат реестрини юритиш;

стандартлар ва техник шартлар талабларига риоя этилишини, сертификатлаштириш ўлчовлари ва қоидаларининг ягоналиги таъминланишини, сертификатлаштирилган маҳсулотларни, шунингдек метрологик таъминлаш қоидаларига ва ягоналигига риоя этилишини назорат қилиш;

ишлаб чиқарилаётган спирт ва алкоғолли маҳсулотларнинг сифатини, сақланишини, ташилишини ва сотилишини назорат қилиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ахборот ресурсларини ва стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш, техник-

иктисодий ва ижтимоий ахборотларни сифати, классификациялаш, кодлаштириш, шу жумладан штрихли кодлаштириш инфратузилмасини шакллантириш;

физик бирликлар эталонларини ўлчаш, сақлаш ва тегишли даражада сақлаш ягоналигини ва ишончилигини таъминлаш, давлат метрология хизмати ва эталон базасини ривожлантириш, энг юқори аниқликдаги ўлчовларнинг янги методлари ва воситаларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш, ўлчаш, назорат қилиш ва синаш методлари ва воситаларини стандартлаштириш;

маҳсулотлар ва хизматларни синаш ва сертификатлаштиришнинг замонавий тизимини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида юкланган бошқа вазифалар.

8. «Ўзстандарт» агентлиги қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими, Ўзбекистон Республикаси ўлчовлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, Ўзбекистон Республикаси аккредитация қилиш тизими ва ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотларнинг фаолият кўрсатишини ва уларнинг такомиллаштирилишини, шунингдек уларни маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини оширишда ва экспорт потенциалини кўтаришда, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантиришда республика иқтисодиёти тармоқларига қўмаклашиш мақсадида чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий тизимлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинадиган маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, чет мамлакатларнинг мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш;

кўрсатилаётган хизматларни сертификатлаштиришни ташкил этиш ва ўтказиш;

давлат, тармоқ, маъмурий-худудий стандартларни ва уларга ўзгартиришларни, корхоналарнинг маҳсулотлар (хизматлар)га техник шартларини, стандартларини ва уларга ўзгартиришларни, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш бўйича амал қилинадиган ҳужжатларини, шунингдек норма ва қоидаларни тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш;

фойдаланувчиларни маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек синаш ва ўлчаш методлари бўйича норматив ҳужжатлар билан таъминлаш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда белгиланган тартибда стандартларни, техник-шартларни ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаштириш соҳасидаги фаолиятга методик раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш учун стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни шакллантиришда қатнашиш;

буюмлар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини аттестациядан ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;

намунавий ўлчов воситаларини ишлаб чиқариш ва юқори аниқликдаги ўлчов техникасини таъмирлаш;

ўлчов воситалари турларини тасдиқлаш бўйича синовлар ва метрологик аттестация ўтказиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатини бошқариш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш;

давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг халқаро амалиётига ўтишни таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштиришни ривожлантириш ва аккредитациянинг асосий йўналишларини, концепцияларини, истиқболли дастурларини ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;

стандартлар ва техник шартлар талабларига риоя этилиши, ўлчовларнинг ягоналиги ва сертификатлаштириш қоидаларининг таъминланиши, сертификатлаштирилган маҳсулотлар, шунингдек метрологик таъминлаш қоидаларига ва ягоналигига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилаётган спирт ва алкогольли маҳсулотларнинг сифати, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан назоратни ташкил этиш ва ўтказиш;

стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш, синаш, сифатини яхшилаш соҳасидаги атамалар ва таърифларни ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини, синашни ва сертификатлаштиришни бошқариш соҳасидаги ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга ошириш;

давлат назорати, шунингдек маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш натижаларини таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда сифатни таъминлаш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида хорижий ташкилотлар ва фирмалар билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

стандартлаштириш, метрология, сифатни бошқариш, маҳсулотлар ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятига методик раҳбарликни ва уни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан стандартларга риоя қилиш, ўлчовлар ягоналигини ва сертификатлаштириш қоидаларини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

метрологик хизматлар, синаш лабораториялари (марказлари), юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчаш, таҳлил қилиш, калибрлаш лабораторияларини, сертификатлаштириш органларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва фирмалар уставларининг, улар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш фаолияти бўйича ижро этувчи ҳокимият органларида рўйхатдан ўтказилгунгача, келишиб олинишини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича белгиланган талабларга мувофиқликни аниқлаш мақсадида маҳсулотлар ва хизматлар сифати мониторингини ўтказиш ҳамда сифатни яхшилаш бўйича тавсияномалар бериш.

### III. «Ўзстандарт» агентлигининг ҳуқуқлари

9. «Ўзстандарт» агентлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши ва риоя этилиши мажбурий бўлган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш ва норматив ҳужжатлар чиқариш;

стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш масалаларини ҳал этиш учун давлат бошқарув органларини, юридик шахслар бирлашмаларини, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларини жалб этиш;

қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Ҳукуматга киритиш, стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини сертификатлаштириш ва назорат қилиш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш;

давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва республика жамоат бирлашмаларидан «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

Идоралараро кенгашда давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий шериклар билан биргаликдаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш масалалари бўйича ахборотларини тинглаш;

хўжалик бирлашмаларидан стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар ва техник қўмиталар ташкил этишни талаб қилиш;

стандартлаштириш, метрология, республика халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш муаммоларини кўриб чиқиш бўйича вақтинчалик илмий-техника комиссиялари тузиш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартлар ва техник шартларга риоя қилиниши, ўлчовларнинг, сертификатлашнинг ягоналиги таъминланиши, истеъмолчилар ва давлат манфаатларини, шу жумладан одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлик, атроф муҳитнинг муҳофаза қилиниши, маҳсулотларнинг мувофиқлиги ва ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчанлиги, ресурсларни тежаш, уларни назорат қилиш методларининг ягоналиги ва маркировка қилинишининг ягоналиги билан боғлиқ стандартлар ва техник шартлар талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларни ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек экспортга етказиб берилаётган ва импорт бўйича олинаётган маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш;

давлат метрология назоратини ўтказиш;

назорат қилинаётган маҳсулотлар кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида сотиш ва сақлаш корхоналарида назорат харидини ўтказиш йўли билан маҳсулотлар сифатининг давлат назоратини ўтказиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қондалари бузилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир кўрсатишининг ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирларни қўлланиш;

маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини оширишни таъминламайдиган ҳамда истеъмолчилар талабларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

мувофиқлик сертификатлари ва белгиларининг, аккредитация қилиш ва аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги аттестат (гувоҳномалар)ни бекор қилиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш;

маҳсулотлар, хизматлар, сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш ва мувофиқлик сертификатлари бериш;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар (хизматлар), сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар, юклаб жўнатишдан олдинги инспекция органлари, синов, ўлчаш, текшириш ва калибрлаш лабораториялари устидан инспекция назорати ўтказиш, улар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

стандартларда ва техник шартларда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар сифатига нисбатан аҳоли турмуши ва саломатлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, мувофиқлик, ўзаро бир-бирининг ўрнини босишни ва ресурсларни тежашни таъминлашга йўналтирилган талабларни белгилаш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш бўйича халқаро, минтақавий, давлатлараро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

#### **IV. «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини ташкил этиш**

10. «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш мақсадида унинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудига кириш, шунингдек зарур ҳужжатлар ва ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

11. «Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик қилади.

12. «Ўзстандарт» агентлигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош директор бошқаради.

«Ўзстандарт» агентлиги Бош директорининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

13. Бош директорга ва Бош директор ўринбосарларига айни бир вақтда лавозимга кўра Стандартлар ва ўлчовларнинг ягоналигини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат бош инспектори ва давлат бош инспекторининг ўринбосарлари вазифалари юкланади.

14. «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори:

«Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда агентликка юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бош директор ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Бош директор ўринбосарлари лавозимига тайинлаш учун номзодларни тақдим этади;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппарати тузилмасини ва ходимларнинг белги-ланган сони доирасида штатлари жадвалини тасдиқлайди;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппарати ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги, шунингдек унинг ҳудудий бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

«Ўзстандарт» агентлиги, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва йўриқномалар чиқаради, кўрсатмалар беради;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш, сифат ва давлат назорати бўйича органлари билан ҳамкорлик



масалалари юзасидан идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди.

15. «Ўзстандарт» агентлигида таркибида Бош директор, унинг ўринбосарлари, шунингдек марказий аппаратнинг бошқа юқори малакали раҳбар ходимлари бўлаган 7 кишидан иборат ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби (унинг таркибига лавозимига кўра кирувчи шахслардан ташқари) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

16. Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

«Ўзстандарт» агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқлари лавозимига кўра айна бир вақтда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги устидан назорат бўйича давлат бош инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса — тегишли худудий бош инспекторларнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Худудий бошқармалар бошлиқларининг ўринбосарлари ва бош бухгалтерлари «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

17. «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг худудий бошқармалари ҳамда бўлимларининг зиммасига давлат назоратини амалга ошириш юкланган бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, мутахассислари лавозимига кўра айна бир вақтда стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги устидан назорат бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

18. Стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар давлат инспектори ёки давлат ишончли вакили сифатида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак.

19. «Ўзстандарт» агентлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.


20. «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг худудий бошқармалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш бюджет маблағлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

#### **V. «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини тўхтатиш**

21. «Ўзстандарт» агентлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Республика синов ва сертификатлаштириш  
марказининг ташкилий  
тузилмаси**



Ходимларнинг жами сони — 747 киши

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**147 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида [Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1 ва 2\*-иловаларга мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 7 октябрь,  
346-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 7 октябрдаги 346-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муомаладаги нақд пуллари камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 11 июлдаги 356-сон қарорининг 5-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул тушумидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1995 йил 3 февралдаги 29-сон қарорининг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўловчилар ташиш транспорти корхоналари маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида» 1995 йил 15 июндаги 222-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 6-сон, 22-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 19 августдаги 291-сон қарори 11-бандининг тўртинчи хатбоши.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 22 сентябрдаги 447-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги Низомни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 13 февралдаги 74-сон қарорига 3-илованинг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 10-модда).

---

\* 2-илова берилмайди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 148 Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Корхоналарнинг ўз фаолияти натижалари учун иқтисодий масъулиятини ошириш, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор хўжалик юри тувчи субъектларни тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларида қайта ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг:

1-иловага\* мувофиқ иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан банкротлик тартиботларини бошлаш тўғрисидаги ташаббуси;

2-иловага\* мувофиқ паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи;

3-иловага\* мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг давлатга тегишли улушларини эркин сотувга қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Р. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда икки ҳафта муддатда 4-иловага\* мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор йирик саноат корхоналари таркибини ўзгартириш ҳамда уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни тасдиқласинлар ва уларнинг бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб борсинлар.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижалари тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

3. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзагроماشсервис» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда 5-иловада\* кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг молиявий беқарорлиги сабабларини чуқур таҳлил қилсинлар ҳамда уларни молиявий соғломлаштириш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки:

мулкида давлат улуши бўлган банкрот корхоналар мулккий комплекс сифатида очик савдоларда, зиммасига корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан инвестиция мажбуриятлари олган инвесторларга устувор равишда сотилади;

таркиби ўзгартирилаётган 4 ва 5-иловаларга мувофиқ корхоналар таркибини ўзгартириш жараёнида ортиқча мол-мулкни сотишда, бўшаётган маблағлар солиқ-

\* Иловалар берилмайди.

лар ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни қоплашга, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлашга, асбоб-ускуналарни демонтаж ва монтаж қилиш харажатларини қоплашга мақсадли йўналтирилган тақдирда, даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тугатиш комиссиялари билан биргаликда мулкида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарни мулкий комплекс сифатида тўлиқ сотишда:

имкониятли инвесторлар томонидан мол-мулкка талабдан ва уларнинг инвестиция мажбуриятлари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда нархлар ўзгаришининг ўзгача механизмлари белгиласин;

тугатиладиган ишлаб чиқаришларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугатиш мақсадида банкрот корхоналар мулкий комплексининг ўз вақтида баҳоланишини ва сотилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Ў.Қ. Исмоилов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 8 октябрь,  
347-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **149** Халқаро компьютер тармоқларидан фойдаланишни марказлаштиришдан чиқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори билан тасдиқланган 2002–2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, маълумотлар узатиш тармоқларининг операторлари ва провайдерларига тенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда халқаро ахборот тармоқларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек ушбу соҳада кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси маълумотларни узатиш тармоқлари операторлари (провайдерлари)нинг республика ва халқаро компьютер тармоқларидан, шу жумладан Интернетдан фақат «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонасининг ва Маълумотларни узатиш миллий тармоғининг техник воситалари орқали фойдаланишига оид белгиланган тартиб беркор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни

---

\* 6-илова рус тилидаги матнда берилган

тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бир ой муддатда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонаси тўғрисидаги Низомга мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда унинг функциялари ўзгариши ҳисобга олинган тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида;

идоравий норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Орипов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 10 октябрь,  
352-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 10 октябрдаги 352-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

а) 1-бандда «ягона» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 3-бандда:

учинчи хатбошида «ахборотресурсларини муҳофаза қилишни таъминлаш» сўзларидан олдин «UzPAK» маълумотларни узатиш тармоғида» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 6-банддан «ҳамда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **150** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 247-сон ва «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорларини бажариш юзасидан ҳамда истеъмол товарлари олиб келувчи корхоналарнинг сўмлардаги маблағларини конвертация қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда уларнинг баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси икки ҳафта муддатда импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 10 октябрь,  
354-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 10 октябрдаги 354-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарларини импорт қилиш учун марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида» 1996 йил 19 ноябрдаги 405-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 26 декабрдаги 538-сон қарорининг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 июлдаги 282-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 41-модда).

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

4. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 октябрдаги 375-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 63-модда)га илованинг 3-банди.

5. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 октябрдаги 412-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 69-модда)га илованинг 2-банди.

6. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 декабрдаги 467-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 41-модда).

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 4-модда) 1-бандининг иккинчи хатбошидан «(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган корхоналар томонидан импорт бўйича олиб келинаётганлардан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил учун нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 22-сон қарорининг 6-бандидан «Марказий банк лицензияларига эга бўлган улгуржи савдо корхоналари» сўзлари «истеъмол товарларини импорт қилувчи улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 24 июндаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 31-модда)нинг 2-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган истеъмол товарлари импорт қилувчи корхоналардан хорижий валюта харид қилинганлиги, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 49-модда)да:

1-банднинг иккинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган корхоналар томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банддан «Марказий банк лицензияларига эга бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йил учун нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида» 2001 йил 25 январдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 6-модда)нинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Истеъмол товарларини импорт қилиш учун хорижий валютани биржадан ташқари валюта бозоридида сотиб олувчи корхоналар ва ташкилотларга импорт бўйича олиб келинадиган истеъмол товарларини нақд пул тушумини белгиланган тартибда



банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш шarti билан фақат чакана савдо ташкилотларига беришга рухсат этилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда)га 2-иловада:

7-банддаги «ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва доридармонлар» сўзлари «истеъмол товарлари, шу жумладан дори-дармонлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банддан сўнг қуйидаги мазмундаги банд қўшилсин:

«33. Истеъмол товарларини импорт қилишда ваколатли банкка қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мувофиқлик сертификатлари нусхалари;

импорт битишувлар паспортлари ва импорт товарлар олиб келиш карточкалари нусхалари;

товарни сотишдан тушадиган суммани конвертация қилиш ҳисоб-китоби;

товарларни чакана сотувчи корхоналар учун:

нақд савдо тушуми инкассация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

улгуржи савдо корхоналари учун:

истеъмолчиларга товар берилганлиги тўғрисидаги счет-фактура (накладной) нусхалари;

товарлар истеъмолчиларга сотилганлиги учун улгуржи корхона ҳисоб рақамига маблағ тушганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

импорт товарларни сотишдан чакана савдо ташкилотлари ҳисоб рақамига нақд маблағ тушганлиги тўғрисида ваколатли банклар томонидан тасдиқланган маълумотлар»;

35-банд ва 37-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

33 ва 34-бандлар тегишли равишда 34 ва 35-бандлар деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 247-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 39-модда)нинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган истеъмол товарлари ва хизматлар, шунингдек қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари ва хизматлар импортига ҳақ тўлаш учун сўмлардаги маблағларни конвертация қилиш банклараро савдо сессияси курси бўйича амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **151 Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида**

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Патент божлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Патент божлари ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, улар бўйича иш юритиш тугалланмаган ихтиролар ёки саноат намуналарига дастлабки патентлар беришга буюртманомалар, шунингдек амал қилиш муддати тамом бўлмаган ихтиролар ёки саноат намуналарига дастлабки патентлар «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири кучга кирган кундан бошлаб олти ой мобайнида тегишли патент божлари тўланган тақдирда ариза берувчи ёки патент эгасининг илтимосига кўра патент бериш учун буюртманомаларга айлантирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари расмий рўйхатдан ўтказилганлиги учун ундирилган рўйхатга олиш йиғимларининг миқдорлари тўғрисида» 1995 йил 21 августдаги 331-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 8-сон, 30-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўзининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ҳ.С. Кароматов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 14 октябрь,  
357-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Патент божлари тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари (бундан буён матнда «бож» деб юритилади) тўлаш тартибини, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш, божларнинг миқдорларини камайтириш ёки қайтариш асосларини белгилаб беради.

2. Бож Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (бундан буён матнда «Патент идораси» деб юритилади) ҳисоб рақамларига тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади ҳамда тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

3. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатда буюртманомга ёки патентнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, унинг учун бож тўланган ҳаракатга доир гувоҳнома ва унинг номи бўлиши керак. Агар буюртманомга рўйхатдан ўтказиш рақами ҳали берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатда унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси номлари, товар келиб чиққан жой, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари номлари, шунингдек биринчи муаллифнинг фамилияси ёки ариза берувчининг номи бўлиши керак. Патент идораси кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4. Тўланган божнинг миқдори белгиланган бож миқдорига мувофиқлиги бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санада аниқланади.

5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда юридик аҳамиятли хатти-ҳаракат содир этилмайди.

6. Агар давлат экспертизаси ўтказилганлиги учун буюртманомга доир бож ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунаси вариантлари гуруҳларига буюртманомга берилганлиги ва экспертиза ўтказилганлиги учун божнинг белгиланган миқдордан кам миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза ариза берувчи томонидан танланган, ёхуд бундай танлов мавжуд бўлмаганда, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси тавсифида формулада биринчи бўлиб кўрсатилган ва улар учун бож тўланган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунаси вариантларига нисбатан ўтказилади.

Агар буюртманомга доир бож буюртманомга берилганлиги ҳамда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси экспертизадан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдордан кам миқдорда буюртманомга божи ёки бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза Товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг ариза берувчи томонидан танланган ва улар учун бож тўланган белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун даражаларига нисбатан ўтказилади.

Ариза берувчи Патент идораси томонидан етишмаётган бож қўшимча равишда тўланиши тўғрисида билдиришнома юборилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида зарур суммани тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида муҳофаза ҳужжати рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда, ушбу тартиботлар амалга оширилмайди. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиб ўтилган уч ойлик муддат тамом бўлган кундан бошлаб уч ой мобайнида тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда бож миқдори 50% га кўпаяди.

8. Тўланган буюртманома божи қайтарилмайди.

9. Тўланган бошқа божлар ариза берувчининг — божни тўлаган шахснинг илтимосига кўра божлар белгиланган миқдордан ортиқ миқдорда тўланган ёки унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракат содир этилмаган тақдирда қайтарилиши мумкин.

10. Божнинг ортиқча тўланган суммаси илтимос қилувчи шахснинг илтимосига кўра илтимос берилган санада уларни тўлаш мумкин бўлган бошқа божлар тўланиши ҳисобига ўтказилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент божларини миллий валютада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар божни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, АҚШ долларларида ёки АҚШ долларига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилган бошқа эркин муомаладаги валютада тўлайдилар.

12. Божларни қайтаришга доир банк хизматларига бож тўлаган шахс ҳисобидан ҳақ тўланади.

13. Жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар, яшаш жойидан қатъи назар, божларнинг белгиланган миқдорининг 25 фоизини тўлайдилар.

14. Нотижорат ташкилотлар жойлашган жойидан қатъи назар, божларнинг белгиланган миқдорининг 30 фоизини тўлайдилар.

15. Кичик корхоналар (корхоналар типлари классификаторининг асосий схемаси бўйича) жойлашган жойидан қатъи назар, божларнинг белгиланган миқдорининг 50 фоизини тўлайдилар.

16. 13,14 ва 15-бандларда кўрсатилган ариза берувчиларнинг мақоми ариза берувчилар тегишли равишда жойлашган мамлакат (яшаш жойи) қонунчилиги бўйича аниқланади.

13, 14 ва 15-бандлар қоидалари, шунингдек, агар барча ариза берувчилар ушбу бандларда кўрсатилган шахсларнинг бирор-бир тоифасига тегишли бўлган тақдирда, ариза берувчилар гуруҳига нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар гуруҳнинг ариза берувчилари шахсларнинг ҳар хил тоифаларига тегишли бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири учун назарда тутилган ставкаларнинг энг юқориси қўлланилади.

Бож миқдори камайтирилиши ҳуқуқига эга бўлган ариза берувчилар ушбу ҳуқуқни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этадилар.

17. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳуқуқий эгалари ҳисобланган II ва III гуруҳ ногиронлар, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар божни Патент божлари ставкаларининг 1.1-1.3, 2.1-2.3, 4.1, 4.2, 5.1, 5.2-бандларида назарда тутилган божларнинг 12,5 фоизи миқдорида тўлайдилар.

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ягона

муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳуқуқий эгалари ҳисобланган 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гуруҳ ногиронлари бож тўлашдан озод қилинадилар.

Мазкур бандда назарда тутилган бож миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш ариза берувчининг, муҳофаза ҳужжати эгасининг илтимосига кўра берилади ва қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари бунга асос ҳисобланади:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси;

уруш йиллари фронт ортида ишлаганлик (ёки хизмат қилганлик) учун берилган гувоҳнома;

Меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссиясининг маълумотномаси;

таълим муассасаси томонидан берилган ҳужжат.

18. Лицензия шартномаси, муҳофаза ҳужжатини бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома тузилган тақдирда бож миқдорини камайтириш назарда тутилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Патент божлари ставкалари

### 1. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		энг кам ойлик иш ҳақи	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
1	2	3	4	5
<b>1.1. Буюртманомга берилганлиги учун тўланадиган бож</b>				
1.1.1.	Патент беришга ва расмий экспертиза ўтказишга буюртманомга бериш:	5	420	Буюртма бериш билан бир вақтда
	а) битта ихтирога			
	ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	2,5	210	
	б) битта фойдали моделга	5	420	
	фойдали моделлар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	2,5	210	
	в) саноат намунасининг битта вариантга	5	420	
	вариантларга, қўшимча равишда иккитадан ўнтагача бўлган ҳар бир вариант учун	2,5	210	
	вариантларга, қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир вариант учун	5	420	
<b>1.2. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган бож</b>				
1.2.1.	Қуйидагиларга нисбатан экспертиза ўтказиш:			Расмий экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
	битта фойдали моделга	10	840	
	фойдали моделлар гуруҳига, биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	10	840	
	ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	1	84	
	қўшимча равишда йиғирматадан ортиқ формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,5	42	
1.2.2.	Қуйидагиларга нисбатан илмий-техник экспертиза ўтказиш:			
	а) битта ихтирога	15	1260	
	ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	15	1260	

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

1	2	3	4	5
	қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	1	84	
	қўшимча равишда йиғирматадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,5	42	
	б) битта sanoat намунасига	1,5	1260	
	қўшимча равишда иккитадан ўнтагача sanoat намунасининг ҳар бир вариантига	5	420	
	қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган sanoat намунасининг ҳар бир вариантига	10	840	
	в) ихтиро учун берилган буюртманомада халқаро қидириш органларининг бири томонидан тайёрланган халқаро қидириш тўғрисида ҳисобот мажуд бўлган тақдирда, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага мувофиқ бож миқдори кўйидагиларни ташкил этади: битта ихтирога	12	1000	
	ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги ихтирога	10	840	
	қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	1	84	
	қўшимча равишда йиғирматадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,5	42	
<b>1.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш</b>				
1.3.1.	Ихтиролар, фойдали моделлар, sanoat намунасини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
1.3.2.	Эълон қилиш:			
	а) расмий бюллетенда рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, фойдали моделлар, sanoat намуналари тўғрисидаги маълумотлар	1	84	
	б) ихтирога, фойдали моделга тавсиф: 35 варақча бўлган ҳажмда, шу жумладан формула, чизмалар, реферат ва бошқа материаллар	3	250	
	қўшимча равишда 35 варақдан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги варақ учун	0,1	8,4	
1.3.3.	патентлар бериш	3	250	
<b>1.4. Патентларнинг амал қилишини қўллаб-қувватлаганлик учун тўланадиган бож</b>				
1.4.1.	Фойдали моделга патентнинг кучи амал қилишининг ҳар бир йили учун буюртманома берилган санадан бошлаб ҳар йили қўллаб-қувватлаш:			Биринчи йил учун патент рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда, кейинги йиллар учун – жорий йилда патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлишига қадар охириги уч ой мобайнида
	а) 5 йил доирасида	10	840	
	б) 6-8 йил доирасида	5	420	
1.4.2.	Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вақти-вақти билан ихтирога патентнинг кучда бўлишини қўллаб-қувватлаш уч йил учун етти йил учун ўн бир йил учун	10 20 30	840 1680 2500	Уч йил учун – патент берилганлиги учун бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун – патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлганига қадар уч ой мобайнида
1.4.3.	Амал қилишининг учинчи йилдан бошлаб sanoat намунасига патентнинг кучини ҳар йили қўллаб-қувватлаш: уч йил учун	5	420	Уч йил учун – патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлганига қадар уч ой мобайнида
	тўртинчи-еттинчи йиллар учун	7,5	630	
	саккизинчи-ўнинчи йиллар учун	10	840	
	ўн биринчи – ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир йил учун)	15	1260	

1	2	3	4	5
1.4.4	Патентнинг амал қилиш муддати ўтгандан кейин 6 ойлик муддат берганлик учун қўшимча бож	бегиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>1.5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
1.5.1	Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ариза бериш билан бир вақтда
	ихтирога, саноат намунасига, фойдали моделга битта патент	10	840	
	ихтирога, саноат намунасига, фойдали моделга бир нечта патент, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир патент учун қўшимча равишда	5	420	
1.5.2	Қуйидагиларга бўлган ҳуқуқни бошқага бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш:			
	ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига патент	15	1260	
	ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига бир нечта патент, ҳуқуқни бошқага бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир патент учун қўшимча равишда	10	840	
1.5.3	Ихтиродан, фойдали моделдан, саноат намунасида фойдаланишга ҳуқуқни исталган шахсга бериш тўғрисидаги ариза ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш (очиқ лицензия)	1	84	
<b>1.6. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
1.6.1	Аризачининг ташаббусига кўра ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси юзасидан буюртманомаларга, шу жумладан ихтиро, фойдали модель формуласига, давлат экспертизаси қарори чиққунгача саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхатига тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
1.6.2	Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси рўйхатдан ўтказилгунгача аризачини ўзгартириш	2,5	210	Ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
1.6.3	Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига буюртманомани ажратиш, дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманомалар учун (биргалик бузилган тақдирда)	10	840	Ажратилган буюртманомани бериш билан бир вақтда
1.6.4	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқага бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
1.6.5	Ихтирога буюртманомани фойдали моделга буюртманомаларга ўзгартириш	1,5	125	Буюртманомаларни ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
1.6.6	Фойдали моделга буюртманомани ихтирога буюртманомаларга ўзгартириш	2,5	210	Ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>1.7. Ҳужжатларни бериш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b>				
1.7.1	Ихтирога, фойдали моделга, саноат намуналарига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтирилган ҳар бир ой учун:			Белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача доирасида	1	84	
	6 ойдан 12 ойгача	5	420	
1.7.2	Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига буюртманомалар саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кечикиб берилганда конвенцион устуворликни сўраш муддатини кўпи билан 2 ойга узайтириш	2,5	210	Ариза бериш билан бир вақтда
1.7.3	Қуйидаги муддатлар доирасида берилган илтимоснома бўйича, ихтироларга, фойдали моделларга, саноат намуналарига буюртманомалар юзасидан экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, аризачи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш:			Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача	6	600	
	6 ойдан 12 ойгача	15	1260	

1	2	3	4	5
<b>2. Селекция ютуқлари</b>				
<b>2.1. Буюртманома божлари</b>				
	Селекция ютуқларига патент бериш юзасидан буюртманомалар бериш ва расман экспертиза ўтказиш	5	420	Буюртманома бериш билан бир вақтда
<b>2.2. Патентга муносиблик юзасидан экспертиза ўтказиш учун боғлар</b>				
2.2.1.	Селекция ютуғининг янгилик эканлиги юзасидан экспертиза ўтказиш	15	1260	Кўриб чиқишга буюртманома қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
2.2.2.	Селекция ютуғининг фарқлиниши, ўхшашлиги ва барқарорлиги юзасидан синовлар ўтказиш	75	6300	Буюртманома синов режасига киритилгани тўғрисида билдиришнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
<b>2.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш</b>				
2.3.1.	Селекция ютуғини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
2.3.2.	Эълон қилиш:	1	84	
	а) расмий ахборотномада: - селекция ютуғи юзасидан буюртманома қабул қилингани тўғрисидаги маълумотлар - рўйхатдан ўтказилган селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар	1	84	
	б) селекция ютуғига тавсифлар: реферат ва бошқа материаллар билан бирга 35 листгача ҳажмда: - 35 листдан ортиқ кейинги ҳар бир лист учун	0,1	8,4	
2.3.3.	Патентлар бериш	3	250	
<b>2.4. Селекция ютуқларига патентнинг амал қилишини сақлаш учун боғлар</b>				
2.4.1.	Селекция ютуғига патентни рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўз кучида сақлаш, амал қилишининг ҳар бир йили учун:			Биринчи йил учун – патентни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш учун бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йилларда жорий йилда патентнинг амал қилиш муддати тугагунгача охириги уч ой мобайнида
	биринчи йил учун	5	420	
	иккинчи йил учун	6	500	
	учинчи йил учун	7	590	
	тўртинчи йил учун	9	760	
	бешинчи йил учун	11	920	
	олтинчи йил учун	11	920	
	еттинчи йил учун	15	1260	
	саккизинчи йил учун	15	1260	
	тўққизинчи йил учун	20	1680	
	ўнинчи йил ва ундан кейинги ҳар бир йил учун	25	2100	
	ийгирма бир-ўттизинчи йиллар учун (узайтириш)	30	2520	
2.4.2.	Патентнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин 6 ой муддат берганлик учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Муддатни узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>2.5. Селекция ютуқларига ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
2.5.1.	Қуйидагилардан иборат лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ҳуқуқни бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
	селекция ютуғига битта патент	10	840	
	селекция ютуғига бир нечта патент лицензия	5	420	



1	2	3	4	5
<b>2.6. Үзгартиришлар киритиш</b>				
2.6.1.	Давлат экспертизаси қарори чиққунгача селекция ютуғига буюртманомага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Үзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
2.6.2.	Селекция ютуғи рўйхатдан ўтказилгунгача аризачини ўзгартириш	2,5	210	Үзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
2.6.3.	Селекция ютуғига буюртманомани ажратиш, дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманома учун (биргалик бузилган тақдирда)	10	870	Буюртманомани ажратиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
2.6.4.	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқага бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш	2,5	210	Үзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>2.7. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш</b>				
	Қуйидаги муддатларга берилган илтимоснома бўйича аризачи томонидан ўтказиб юборилган қонунда белгиланган муддатни тиклаш:			Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 2 ойгача	3	250	
	3 ойдан 4 ойгача	5	420	
	6 ойгача	6	500	
<b>3. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойининг номи</b>				
<b>3.1. Буюртманома божлари</b>				
3.1.1.	Товар белгисини, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга ва буюртманомадаги кўрсаткичларни давлат экспертизасидан ўтказишга буюртманомалар бериш:			Буюртманома бериш билан бир вақтда
	МКТУ битта класс учун	20	600	
	биттадан ортиқ ҳар бир МКТУ класс учун	2	60	
	жамоа белгиси МКТУ битта класс учун	25	600	
	биттадан ортиқ жамоа белгиси МКТУ ҳар бир класс учун	2,5	60	
3.1.2.	Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришга, товарнинг рўйхатдан ўтказиб бўлинган келиб чиққан жойидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	20	600	
<b>3.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳнома бериш</b>				
3.2.1.	Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
3.2.2.	Товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	1	84	
3.2.3.	Гувоҳнома бериш	3	250	
<b>3.3. Гувоҳномаларнинг амал қилишини сақлаш учун бошлар</b>				
3.3.1.	Товар белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:			Биринчи йил учун – рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳнома бериш учун бож тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун – гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунгача охириги уч ой мобайнида
	МКТУ битта класс учун	20	600	
	биттадан ортиқ ҳар бир класс учун	2	60	
3.3.2.	Жамоа белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:			
	МКТУ битта класс учун	25	1200	
	биттадан ортиқ ҳар бир класс учун	2,5	120	
3.3.3.	Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун	20	600	
3.3.4.	Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин 6 ойлик муддат бериш учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		

1	2	3	4	5
<b>3.4. Товар белгиларига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
3.4.1.	Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
	битта товар белгиси	10	840	
	бир нечта товар белгилари; лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда	5	420	
3.4.2.	Қуйидагиларни бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш:			Ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
	битта товар белгисини	15	1260	
	бир нечта товар белгиларини; бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда	7,5	630	
<b>3.5. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
3.5.1.	Давлат экспертизаси қарори чиққунгача аризачининг ташаббусига қўра товар белгисига буюртманомага ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга буюртманомага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
3.5.2.	Товар белгисига ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига ўзгартиришлар киритиш	5	420	
3.5.3.	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш	2,5	210	
3.5.4.	Товар белгисига буюртманомаларни ажратиш (дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманома учун) ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказишни ажратиш (янгидан пайдо бўлган ҳар бир рўйхатдан ўтказиш учун)	20	600	Ажратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
3.5.5.	Буюртманома берилган санадан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасигача бўлган даврда берилган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш юзасидан буюртманомага ҳуқуқни бошқага бериш муносабати билан аризачини ўзгартириш	7,5	630	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>3.6. Экспертиза сўрови бўйича ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b>				
3.6.1.	Товар белгиларига, товар келиб чиққан жой номига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ойи учун	1	84	Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
3.6.2.	Товар белгиларига, товар келиб чиққан жой номига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, аризачи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш	3	250	Тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
<b>4. ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар</b>				
<b>4.1. Буюртманома божлари</b>				
	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	5	420	Буюртманомалар бериш билан бир вақтда
<b>4.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномалар бериш</b>				
4.2.1.	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
4.2.2.	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	1	84	
4.2.3.	Гувоҳномалар бериш	3	250	
<b>4.3. ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
4.3.1.	ЭҲМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкый ҳуқуқларни бошқага тўлиқ бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	15	1260	Ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
4.3.2.	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурга мулкый ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	10	840	
<b>4.4. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
	Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўндиришлар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда

1	2	3	4	5
<b>5. Интеграл микросхемалар топологиялари</b>				
<b>5.1. Буюртманомалар божлари</b>				
	Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	5	420	Буюртманомалар бериш билан бир вақтда
<b>5.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномалар бериш</b>				
5.2.1	Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
5.2.2	Рўйхатдан ўтказилган интеграл микросхемалар топологиялари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	1	84	
5.2.3	Гувоҳномалар бериш	3	250	
<b>5.3. Интеграл микросхемалар топологиясига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
	Интеграл микросхемалар топологиясига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	10	840	Ҳуқуқ бериш тўғрисида ариза билан бир вақтда
<b>5.4. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
	Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача интеграл микросхемалар топологияси юзасидан буюртманомаларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>6. Бошқа божлар</b>				
6.1	Муаллифлик гувоҳномалари ёки собиқ СССР гувоҳномалари (уларга мувофиқ буюртманомалар берилган санадан бошлаб тегишли равишда 20 ва 15 йил муддат ўтмаган бўлса) асосида ихтирога ёки саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патенти бериш юзасидан ариза бериш	5		Ариза бериш билан бир вақтда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божлари, йиғимлар ва хорижий валютадаги солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

- 1) 2-илованинг VIII бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«VIII. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси бўйича

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган патент божлари ставкаларига мувофиқ»

2) 2-иловадаги Божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар тўлашдан тушган валюта тушумларини тақсимлаш жадвалининг 11-бандида «Божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларнинг турлари» устунда «Саноат мулки (ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари) объектларига муҳофаза ҳужжатлари берилишига, уларнинг кучда бўлишини сақлаб туришга ва саноат

мулки объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар учун буюртманомалар берилганлиги учун бож» сўзлари «Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари» сўзлари билан алмаштирилсин.